O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Ishtixon tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Иштыханского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

*140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy*
*Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54*

*140704,г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,*
*Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54*

20 16 у.г «16» июл    №2326-у    Ishtixon sh.-г.Иштыхан

**"Хакикат" ҚФЙ Қият қишлоғидан фукаро Ахмедова Дилбарга "Омборхона" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 285-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, қарорни ижросини таъминлаш мақсадида Самарканд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомасига асосан, фукаро Ахмедова Дилбарнинг танлов ғолиби деб эътироф этилган баённомани, Даварxитектқурилиш қўмитасининг Регламентига асосан "Омборхона" объектини жойлаштириш бўйича "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 03-16/88-858-сонли ижобий хулосани, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 16-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарканд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомаси, Даварxитектқурилиш қўмитасининг Регламентига асосан "Омборхона" объектни жойлаштириш бўйича "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 01-16/88-858-сонли ижобий хулоса, туман ер участкалари бериш (реализация килиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 16-сонли далолатномаси маълумот учун кабул қилинсин

2. "Хакикат" ҚФЙ Қият қишлоги худудида жойлашган қишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман хокимлиги захирасидаги ер майдонидан фуқаро Ахмедова Дилбарга "Омборхона" қуриш учун 3000,0 (уч минг) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуки билан ажратилсин.

3. Фуқаро Ахмедова Дилбарга ажратилган ер майдонида "Омборхона" қуриш бўйича белгиланган тартибда вилдоят табиатни мухофаза қилиш қўмитасидан давлат экологик экспертиза хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги хужжатларга ўзгартириш киритиш, "Омборхона"ни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими** [signature] **Ш.Негматов**